

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Da'vat

Биз адолатли ва маърифатли демократик жамият барпо этишни ўзимизга олий мақсад қилиб белгилаб олдик.

И.КАРИМОВ

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifaat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

Ibrat

Пойтахтнинг Шайхонтохур туманидаги «Коратш» маҳалласи гузарига боқувчисини йўқотган 50 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди. Тўйга туман ҳокимлиги, Республика «Маҳалла» жамоғармаси ҳамда «Umid» ўзбек-турк ишбилармонлари уюшмаси бош-қош бўлди. Тўйда болаларга уйинчоқлар ва кийим-бошлар ҳада қилинди. Республика ОАВни қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий жамоғармаси ҳисобидан ҳар бир болага омонат дафтarchаси очилиб, 2000 сўмдан пул қўйилди.

1931 йилдан чиқа бошлаган

1999 йил 1 сентябрь, chorshanba

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 70 (7163)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИНГ САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ



Ассалому алайкум, қадрили ватандошлар! Хурматли меҳмонлар! Аввало барчангизни энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Аждодларимиз асрлар давомида орау-умиди билан яшаган озодлик ва эркинлик даври халқимизга қанот бағишлади, унинг мудраб ётган салохияти ва куч-қудратини намойиш этишга имкон берди.

Ҳеч шубҳасиз, шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон тарихий бир масофани босиб ўтди.

Бунинг тасдиғи олдин ўзимизга тасаввур этишимиз ҳам қийин бўлган тараққиёт йўлида, ислохотлар йўлида, янгиланиш йўлида эришилган ютуқларимизда, қундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.

Аввало юртимиз, шаҳар ва кичик қишлоқларимизнинг чеҳрасини тобора очиб бораётган қурилишларда, кенг ва раво йўлларда; Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга улкан ҳисса қўшаётган янги-янги тармоқ ва иншоотларда, замонавий технологиялар билан қуролланган йирик корхоналарда; Халқаро майдонда мустақил Ўзбекистон қўётган қадамларда, унга нисбатан хурмат ва эътибор ўсиб бораётганида бундай ўзгаришларни яққол кўриш мумкин.

Бизнинг юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салохиятимиз дунё спорт майдонига қўётган, жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдираётган қадамларимизда ҳам намоён бўлмоқда.

Айтишлар, ўзингизга бир тасаввур қилинлар, азиз юртошларим, узок Америка заминига куни кеча эришган ютуғимиз — бир йўла ўқини ўзбек пахлавони — Уткир Ҳайдаров ва Махаммадқодир Абдуллаевлар миллитимиз, халқимиз куч ва маҳоратини кўрсатиб, бокс бўлича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганини бир неча йил олдин ҳаёлимизга келтириш ҳам қийин эди.

Амир Темури бобомизнинг чуқур маъно-мазмунли иборасини қўллаб: «Кимки бизнинг куч-қудратимизни билмоқчи бўлса, ўзбек пахлавонларининг жаҳон спорт майдонларида эришган ютуқ-зафарларига эътибор берсин, англаб олсин», деб бугун баралла айтишимиз мумкин.

Бугун ҳаётимизда эришилган энг катта ютуғимиз, янгиланишнинг энг эркин намунаси — бу жамиятимизнинг мафкурасида, кенг омма дунёқарашида, юртимизда яшашган барча инсонларнинг онгу шуурида, тафаккурида содир бўлаётган ижобий силжишлар, ўзгаришлардир.

Биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?

Бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шанини, не-не улуг зотларнинг ворислари эканини, ўзлитини англаган, миллий гуруҳ ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзини муносиб ўрин эгаллаб, XXI асрга дадил қадам қўётган буюк халқимиз.

Ота-боболаримизнинг ҳаётбахш ўғиллари, умумбаршарий андозалар, юксак маънавий рух асосида бирлашган, янги энг мақсадларга интилган, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, аник ва равшан ислохотлар йўлидан бораётган халқимиз.

Бу — ҳақиқат. Бу ҳақиқатнинг ҳозиргача англамаган ёки англашни хоҳламайдиган, озодлигимизни, истиқлолимизни кўролмайдиган, ҳали-ҳануз хомхавлда юрган, баъзи бир ганимларимиз эшитсин, қулোগа қуйиб олсин: Оллоҳ назари тушган эл-юртимизнинг олдинга юришига, тараққиёт тоғлига, тўқ, эркин яшайдиган мамлакатлар қаторида тинч-тову ҳаёт қуришига ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди.

Азиз юртошларим! Биз адолатли ва маърифатли демократик жамият барпо этишни ўзимизга олий мақсад қилиб белгилаб олдик.

Буюк орзуларга етиш учун ҳали кўп-кўп меҳнат қилишимиз, кўп-кўп тўсиқ ва говларни энгиб ўтишимизга тўғри келади.

Бундай мақсадларга етиш учун барчамиз бутун борлигимизни, Оллоҳ берган ақл-

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги байрами тантаналари кенг нишонланди.

Халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами - Мустақиллик куни кўнгилларни эзулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғуларига тўлдириб, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда.

Истиқлол байрами биз учун улкан шодона ва айни чоғда ортимизга қараб, ўтган бир йил давомида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қиладиган, улларга муносиб баҳо берадиган кундир. Зеро, мамлакатимизда мустақилликнинг саккизинчи йилида қилинган ишлар, ўтказилган тадбирлар ҳақида баралла таъриҳи ҳақимиз.

Истиқлолнинг саккизинчи йилида мамлакатимиз иқтисодийнинг турли соҳаларида амалга оширилган ишлар ҳам асрларга тати гулк.

Урта Осиёда ягона автобус заводи - "СамКочавто" кўшма корхонасининг ишга туширилиши бу ютуқларнинг энг йириғидир. Одамларнинг оғирини энгил, узогини яқин қилишдек хайри мақсадда ташкил этилган корхонанинг муъжаз автобуслари ҳозирдаёқ шаҳарларимиз кўчаларида кўзини қувватиб юрибди. Бежирим, қулай, тезкор ва замонавий машиналардаги "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёзувни ўқиб, Ватанини севган ҳар бир инсоннинг кўнгли тоғдек кўтарилади.

Одамлар оғирини энгил қилиш каби энг мақсад Хўжабод ер ости газ омборининг фойдаланишга тоширилиши билан нафақат бугун Фарғона водийсида газ таъминоти яхшиланди, балки хоржиға ҳам "зангори олов"ни экспорт қилиш имкониятлари ортди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ мамлакатимиз шаҳар ва туманларида бунёд этилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари истиқлол шарофати ила баркамол авлодини тарбиялаш йўлида қўйилаётган қадамлар самарасидир. Замонавий ўқув қўлланмалари ва ускуналари билан жиҳозланган бу таълим даргоҳларида келажагимиз бунёдкорлари таҳсил олмақда.

Утган йил истиқлолимиз учун синов даврий бўлди. 16 февралдаги муҳиш воқеалар барчамизни хушёрликка ва огоҳликка, мамлакат

тақдири учун бефарқ бўлмасликка чорлаб, мустақиллик дунёдаги энг улуг неъмат эканлигини, уни кўз қорачиқдек асраб авайлаш лозимлигини кўрсатди.

Халқимиз 1 сентябрь - Мустақиллик кунини ана шундай ютуқ ва сабақлар билан кутиб олмақда.

31 август, соат 19.30.

Ўзбекистоннинг Бош майдони - Мустақиллик майдони байрамона безатилган. Бу ерга республика ҳукумати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатётган элчионалар раҳбарлари, "Шарқ тароналари" иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг меҳмонлари ва қатнашчилари тўпланган. Улар Ўзбекистон Республикаси Президентини олқий-

ҳақида қуйлайди. Чунки, мустақил Ватанимизда бу орзуларнинг рўёбга чиқиши учун барча шароит муҳайё. Яхши ният - ярим давлат дейди халқимиз. Ватанимиз чекаларининг пок ниятлари эса, албатта, амалга ошажак.

Саҳнада Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолидин Манғуберди, Абдулла Қодирий, Чўпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир сиймолари пайдо бўлади. Хур Ватан учун жонини қурбон айланган, мустақил тузум даврида қатанга учраб, номлари унутилмаётган халқ қаҳрамонлари истиқлолдан сўнг юртимизга қайтди. Уларнинг мислиси жасорати, ўтмиш ва келажақдан, миллийлик ва ўзликдан сабоқ берувчи мероси халқимиз қалбидан мангу жой олди. Республикаси ҳукуматининг мустақиллик даври қурбон



Мустақиллик неъматидир. Хур Ватанимизда уларнинг миллий-маданий меросини ва тилини сақлаш, ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Байрам томошасида уларнинг қўшиқ ва рақслари ҳам халқлар дўстлигининг ҳақиқий намойишига айланиб кетди.

Анъанага қўра байрам тантаналаридан ўрин олган Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан келган санъат усталари, ижрочи ёшларнинг қуй ва қўшиқларида, фольклор-этнографик ансамблларнинг чиқишларида бой миллий санъатимизнинг бетакрор қирралари намоён бўлади.

Ўзбекистон эстрадасининг юдузулари ва санъат олинга эндигина қадам қўйган ёш хонадаларнинг қўшиқлари ҳақида асосий мавзу - Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачиқдек асраш туйғусидир. Шу боис ҳам, қўшиқлардан биридаги "Фидойинг бўлмаймиз сенинг, Ўзбекистон!" сўзлари ҳар биримиз учун қадрдон ва айни пайтда долзарб. Улар бизни тўғри оқтин, суви зар шу юртимиз учун ҳар он жонни фидо айлашга чорлайди. Зеро, Ўзбекистондек серкуш ва саховатли ўлкани бугун жаҳонда асло топиб бўлмайди!

Кўнгилларга шодлик ва сурур улашган байрам тантаналари ранг-баранг мушакболик билан якунланди.

Бехўд Усмон, Ўза Мухбири Суратларда: Байрам шодиларидан лавҳалар.

А.ТўРАЕВ, Р.ЖУМАНИЁЗОВ (Ўза) олган суратлар.



лар билан кутиб олади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланган тантаналарнинг бошланиши ҳақида дарак берувчи саҳолар янғирайди.

Байрам тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари улуг ва муқаддас байрам билан бутун мамлакатимиз аҳлини қизғин табриқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижро этилади.

Улкан саҳнада энг улуг, энг азиз байрамга бағишланган театрлашган томоша бошланади.

Янги авлод - Имом Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темури, Улугбек ва Навоийнинг набиралари - истиқлол фарзандларидир. Эрк ва озодлик ҳавосидан нафас олиб улғаяётган фарзандларимиз ўзининг муррак қалбида тутилган орзулар

лари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори бунинг эркин далилидир.

Ўзбекистон Куроли Кучлариде халқимизнинг асл фарзандлари, она-юрт эркиннинг посбоналари хизмат қилади. Уларнинг саҳна бўйлаб шаҳдам қадамлар билан ўтишлари, юзларидаги ишонч ва мардонворликни кўриб, бу йигитлар Ватанини ҳимоя қилишдек шарафни ва масъулиятни вазифага сўнгги нафасларига чад содиқ қолишларига амин бўласиз.

Саҳнага мамлакатимиз довуғини жаҳонга таратаётган спортчилар кириб келади. Ўзбекистонлик бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рискхон, Олимпияда чемпиони Лиана Черязова, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Ақобир, Тоштемур, Камол полвонлар, бошқа таниқли спортчиларимизнинг халқаро

майдондаги галабалари ҳар бир ватандошимиз қалбига чексиз гурури уйғотади. Зеро, ҳар бир муваффақият Алломинилар юртининг қадим шухратини тиклашга ҳисса қўшади. Куни-кеча АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида республикаимиз боксчилари қўлга киритган олтин ва қумуш медаллар ҳам Ўзбекистон спорт мактаби улкан салоҳиятига эга эканлигининг исботидир.

Ўзбекистон санъатида Шарку Фарб маданияти уйғунаётган.

Европа классик санъатининг юксак намуналари ўзбек санъаткорлари томонидан маромида ижро этилиб, ривожлантирилган. Республикаимиз балет мактаби вакилларининг чиқишларида айнан шу рўйи фидо этилади.

Мамлакатимизда турли миллат ва эл вакилларининг эмин-эркин яшаши ҳам

ЭНГ БАХТЛИ

Мен шунчалик ҳаяжонга тушдимки, ҳали-ҳануз ўзимга келолган эмасман. Чунки мен каби оддий ўзбек аёли, оддий муаллимнинг меҳнати шундай юксак мукофот - «Ўзбекистон қаҳрамони» унвонига муносиб топилди. Айниқса, «Аёллар йили»да тақдирланишим, бир қувончига ўн қувонч қўшди. Мен шу пайтгача ўзимни бахтли она деб ҳисоблаб келардим. Энди эса мен том маънода бахтли аёлман. Бунинг учун ҳукумати-

E'tirof

натдорман. Очиги тан олиб айтишим керак, Мустақиллигимиздан сўнгги бизга, аёлларга эътибор ўзгарди. Бутун бошли йил бизга аталди.

Кичи манзилнинг бошида орта бир қур назар ташлар экан. Мен ҳам ўтган ҳаёт йўлимга боқиб, таҳлидан ўтказдим. Хулоса қилдимки, мустақилликка эришганимиздан сўнгги, инсон меҳнати ҳақиқий эътирофини топадиган бўлибди. Чунки ҳув бир замонар нишондорлару, «Қаҳрамонлар фақат «ясаларди». Яъни бирор



АЁЛМАН

бир соҳадки киши танлаб олинарди-да (унинг муносиб - муносиб эмаслигидан қатъий назар, бугун «куч-қувват» сарфланиб, уни «шоҳсупага» кўтаришарди. Шу тахлит, холисона меҳнат эмас, балки кўр-кўрона интилиш юзга келарди.

Мустақиллик ўз касбига, ишга меҳр билан, сидқидан ёндошиш туйғусини уйғотди. Шундагина инсон ҳеч қачон кам бўлмаслигини исбот этди. Барча юртошларимиз бунинг гувоҳи бўлиб туришибди.

Менга берилган мукофотда бутун жамоамизнинг ҳиссаси бор, деб биламан. Улардан мен билан ҳаминша елкадош, ҳаммаслақ бўлганлари учун миннатдорман.

Букун биз муаллимлар олдига, баркамол, ҳар томонлама етуқ, Ватанимизга тиррақ бўлувчи ёшларни тарбиялашдек улкан вазифа қўйилган. Бу йўлда бундан буён ҳам куч-қувватимни аямайман. Чунки, юртимизнинг эркин келажаги шунга даъват қилади.

Мавлуда ИСМАТОВА, Юнусобод туманидаги 273 - ўрта мактаб директори, Ўзбекистон қаҳрамони

МУСИҚА БАЙРАМИ НИХОЯСИГА ЕТДИ

30 август куни кечкурун Самарқанднинг Регистон майдони «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро музика фестивали катнашчилари, меҳмонлар, музика шайдолари, санъат мухлислари билан яна тавжум бўлди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари, «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро музика фестивалини ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Хамидулла Кароматов, халқаро танлов ҳайъати раиси, Токио университети профессори Харума Кашима хоним томошабинларнинг оқлишлари остида голмбларга махсус совринларни топширди.

Ўзбекистонлик Насиба Сатторова энг олий мукофот — Гран прига сазовор бўлди. Юн Конг Сон (Корея) ва Мухаммад Омон (Саудия Арабистони) биринчи даражали мукофот билан тақдирланди. Иккинчи даражали мукофот Жаспир Нарула Хонум (Хиндистон) ва «Лашари» гуруҳи (Грузия)га насиб этди. Покистонлик Устад Али Хамидхон ва Устад Фатех Алихон, шунингдек, тожикистонлик Олим Бобоев учинчи даражали мукофотга сазовор бўлди.

«Шарқ тароналари» халқаро фестивал танлови катнашчилари бир қатор махсус мукофотлар билан ҳам тақдирланди. Жумладан, ЮНЕСКОнинг махсус мукофоти ҳамюртларимиз Улма Салдунов ва Абдухоним Исmoilовга, ҳамининг махсус мукофоти туркманистонлик Яхмурат Чопонов ва украиналик Елена Кулика, ЮНЕСКО ва «Сони» фирмаси мукофоти фестивал режиссёри Баходир Йўлдошевга берилди. Анжуман иштирокчиларига мамлакатимиз вазирликлари, жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасаларнинг, Самарқанд вилояти ва шаҳри ҳокимликларининг эсдалик совғалари топширилди.

Фестиваль катнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентини номига Миннатдорлик мактуби йўлладилар.

Х.ШУКУРОВ,
Уза мухбири

Амударё тумани марказидаги касб-хунар лицейи биноси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилидан бошлаб Манғит қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи мақомида ўз фаолиятини бошламоқда.

Билим маскани биносини қайта таъмирлаш, коллеж учун мослаштириш учун давлатимиз томонидан 127 миллион сўм маблағ ажратилган.

Мазкур коллежни реконструкция қилишда Қорақалпоғистон агроқурилиш бошқармасига қарашли Амударё 305-кўчма механизациялашган жамланма (бошлиғи — Бахтиёр Хайтимбетов) жамоаси ишчилари сикд-

идилдан меҳнат қилдилар. Коллежда дарс бериш учун 30 нафар ўқитувчи Тошкент ва бошқа шаҳарларда малака оширишиб, махсус сертификатта эга бўдилар. Уларнинг барчаси биринчи тоифали етук мутахассислардир. Бу йил

сўнги моделдаги бир комплект, яъни 11 донa компьютери бор, махсус хона, кутубхона, лабораториялар ва бошқа қулайликлар уларнинг хизматида. Коллеж директорининг ўринбосари Мақсуд Йўлдошев қуйидагиларни

МАНГИТДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

коллежга жами 250 ўқувчи тест синовлари асосида қабул қилинди. Бу ерда улар учун барча шaroит муҳайё, десак янгилишмаймиз. 750 ўринли ўқув биноси, 100 ўринли ётоқхона, 150 ўринли ошхона, спорт зали, мажлислар зали, «IBM» русумли

гапириб берди: — Коллежимизда ҳар бир мутахассисга ёндош касб малакаси ҳам берилади. Бизда бўлажак — қишлоқ хўжалик машиналарига техника хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш устаси, гидромелиоратив машина ва усқуналарга

Xushxabar

техник хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш устаси, фермер — ўсимликшунос, фермер — чорвадор, ветеринар-фельдшер зоотехник, кичик агроном, қишлоқ хўжалигида ёритиш ва кучланиш тармоқлари электрликлари тайёрланади.

Яқинда ана шу коллежнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Б. Бутров, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т. Камолов қатнашдилар.

Ғойиб ЁҚУБОВ

ЯНГИ МАКТАБ ҚУРИЛДИ

унинг икки гектар ери бор

Болаларимиз учун янги мактаб биносидай ажойиб совға бормикан! Янги ўқув йили Бахмал туманидаги 52-ўрта мактаб ўқувчилари учун ҳам ана шундай қувонч билан бошланмоқда. Бу ерда 450 ўринга эга бўлган, икки қаватли, шинам ва замонавий мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур бинонинг тезликда фойдаланишга топширилиши учун «Сангзор» давлат хўжалиги томонидан қарий тўрт миллион сўмга яқин моддий кўмак ажратилди. Шунингдек, бу жараёнда мактаб ўқитувчиларининг саъйи ҳаракатлари беқиёс бўлди. Яна бир эътиборли ҳақиқати шундаки, янги мактаб учун «Сангзор» давлат хўжалиги томонидан 2 гектар мевали боғ ажратилди. Хўжалик марказида, мактаб яқинида жойлашган, барча талабларга жавоб берадиган спорт майдони ҳам тўлиқ мактаб ихтиёрига топширилди.

МУХБИРИМИЗ

«Мустақиллик» ташунчасини ким қандай талқин қилди? Ва у берган имониятларни қандай шарҳлайди? Улуг айём кунларида бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши мумкин. Ҳаётда устма-уст омадсизликларга дуч келган кишиларнинг бу саволдан энсалари қотиш табиий. Шу ўринда донишмандлардан бирининг ҳеч қандай эътиросиз қабул қилишимиз мумкин

Test — Mustaqillik mevasi

ўринга 13 абитуриентнинг тўри келаётганини кўриб, қапалагим учиб кетган эди. Ҳаракат қилиб ўзи керак. «Чиқмаган жондан умид» ахир.

Тест синовлари ҳақидаги миш-мишлар менга тинчлик бермасди. Айни пайтда билимимга бўлган ишонч бу сафсаталарни нари суриб қўярди. Шундай қилиб, каминга тест синовларини топшириб чиқ-

ЛИБОСЛАРДА МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ

Ҳар йилгидек, Республикамининг вилоятлари, туман ва шаҳарлари микёсида бўлиб ўтаётган мактаб ўқувчилари либосларининг намоишлари яқунланди. Маълумки, ҳар бир ўқувчига Низоми ёки ички тартиб қоидаларида мактаб формаси ҳақида алоҳида сўз юрилади. Ва ҳар қайси мактаб педагогик кенгаши ота-оналар билан ҳамкорликда бу масалани ҳал этадилар. Кейинги йилларда шакллантирилган аъёнга қўра, мактаб либоси иқлимга мослаб, кичик тикув цехлари билан шартнома асосида арзон, сифатли кириб тайёрланмоқда.

Республика Халқ таълими вазирлигининг иктомий масалалар бошқармаси бошлиғи Ўбайдулло Камол Мухаммадхожи ўғлининг таъкидлашича, Тошкент шаҳри туманларининг халқ таълими бўлиmlари бошчилигида 17 турдаги бошланғич синф формалари ва юқори синфлар либослари танлаб олинди.

Республика таълим марказида бўлиб ўтган ўқувчилар либослари намуналарининг тақдиротида қуйидаги фикрлар эътироф этилди: аввало, ташқаридан қараган одам ўқувчини либоси орқали фарқлай олади ва унга нисбатан ўзгача муносабатда бўлади. Қоляверса, мактаб формасидаги ўқувчи ўзида ўқувчилик масъулиятини ҳис этиб туради.

Ф. КАРИМОВ

1. Мустақиллик сизнинг тақдирингизда...
2. У сизга нима берди?
3. Ва сиз Ватан мустақиллигини мустақамлашга қандай ҳисса қўшасиз?

1. Мустақилликнинг тақдиримдаги ўрни беқиёс.
2. Айни истиқлол мендаги мана шу умидни ишончга айланишига имкон берди. Адолати тест синов орқали ўз билимим билан олий ўқув юртига

«Ma'rifat» anketasi

таъсир қилганди. Оллоҳнинг инояти билан, ота-болаларимиз соғинч ва қатъият ила интилоб келган истиқлолга эришганимиздан сўнггина, менда тоғамларда армонга айланган умид уйронди.

2. Айни истиқлол мендаги мана шу умидни ишончга айланишига имкон берди. Адолати тест синов орқали ўз билимим билан олий ўқув юртига

рашмоқда. Халқимиз зиёдалари газетаси бўлиши «Маърифат» жамоаси қатори каминга ҳам истиқлол мафкура-сини янада кенгроқ тарқатиш, ижтимоий онгни шакллантириш орқали Ватан мустақиллигини мустақамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдаман. Келажакда бу йўлда катта ишлар қилишни дилимга тутиб

ЁШЛАР ЭЪТИРОФИ

бўлган фикри ёдга ташлади: «Инсон бахтли бўлиши керак, мабодо у бахтсиз экан, бунга унинг ўзи айбдор».

Алқисса, байрам арафасида улкан муваффақият — талабалик бахтига муяссар бўлган ёшларнинг суҳбатини олиш мароқли бўлди. Зеро, улар юзлаб ва минглаб.

ИКРОРЛИК

Тошкент Давлат университетининг иқтисод факультетида ҳужжат топширганамда, бир

дим. Орадан бир неча ҳафта ўтиб, тест синовларидан ўзимнинг 189,9 балл тўплаганимни ва бу рақам бюджет билан ўқиш ҳуқуқини беришини англаб, дўппимни осмонга отгим келди.

Ҳа, мен давлатимиз мустақиллигининг меваси бўлиш тест синовларида адолат, ҳақиқат асосий мезон эканлигига иқдор бўлдим. Ва ниятим — шу жаннатмақом юртининг ривожланишига ҳар қачон хизмат қилиш.

Ойбек ДЎСТМУХАММЕДОВ,
Муқаддам ЗУННУОВА

мутахассис бўлиш. Ана шу муборак ниятлар ила Фаргона Давлат университетининг инглиз филологияси факультетига ҳужжатларимни топширдим.

Буни қарангки, 130 балл тўплаб, кундузги бўлим талабалигига қабул қилинибман. Шунда кўнглимдан нималар кечганлиги ёлғиз ўзимга аён! Мен юртимизда ёшларни маърифатли қилиш йўлидаги эзгу ишлардан чексиз қониқиш туйдим.

Munnatdorlik

ФАРЗАНДИМИЗ - ФАХРИМИЗ

Углим Алишер Умаров ўтган ўқув йилида Ўзбекистон Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг совриндори бўлган эди. Ҳозирги кунда у Америкада, Шимолий Дакота штати, Фарго шаҳридаги университетда ўз ўқиниши муваффақиятли давом эттиряпти. Шуниси лиққатта сазоворки, университетнинг иқтисодий фани ўқитувчиси профессор Стэнли Херрен Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларни қизиқиш билан кузатиб, уларнинг шундай таълимига айтибди. «Янги мустақил мамлакатларга иктомий нарсалар зарур: бозор иқтисодиётига аста секинлик билан ўтиш ва кучли лидер» бу гаплар шундай ҳулосага келдики, Ўзбекистонда иқтисодик ҳаётнинг барчаси индонтирми келадди. Фарзандимизнинг Америкада тахсил олаётгани оиламиз учун катта шараф.

Юқори Чирчиқ тумани ҳокими Мирзахужа Қалқулов оиламиз аъзоларини ҳокимият фаоллари йиғилишига таклиф қилганларида, биз жуда ҳам хурсанд бўлиб кетдик. У киши ўзгаришнинг чин диллари билан қўллаб-қувватлаш билан қўллаб-қувватлади. Бу фарзандимизга қўйилган ҳурмат белгиси. Углимиз ўқиниш тугатиб, яхши мутахассис бўлиб қайтган, (ҳозир у леқан рўйхатида ялочи студент) билимига яраша ишга кириб, Ватанига сикдликдан ҳазмат қилишига ишонамиз.

Манзура УМАРОВА
Тошкент вилояти
Юқори Чирчиқ тумани

ИСТИҚЛОЛ ИНОЯТИ

ҳолар билан тугатиб, олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчи ният қилдилар. Улар пухта тайёрланган бўлишларига қарамай, афсуски, имтиҳонларда «йиқилишди». Айтишларича, уларда ўқишга кириш учун билим эмас, ўша пайтда пора учун берилиши шарт бўлиб қолган пул етишмаган экан. Шундан кейин иккала тоғамнинг ҳам билимлари эътиборсиз қолди, умидларим армонга айланди. Бу албатта, бутун оиламиз қатори менга ҳам қаттиқ

ўқишга киришга, уни аъло баҳолар билан тугатган эса, ушалмас орзу бўлиб кўринган — жаҳоннинг нуфузли олий илмгоҳларидан бири — Франциядаги Тулуза сиёсий фанлар институтининг магистратура босқичида тахсил олиш ҳуқуқига муяссар бўлдим. Тоғамларга ўхшаб йўлим тўсилмади, аксинча, менга оқ йўл тиллашди, умидларим армонга эмас, ишончга айланди.

3. Истиқлолга эришгач, халқимиз уни мустақамлаш, абадийлаштириш учун интилоқда — қу-

қўйганман. Лекин кўпинча ўйлашиб қоламан, Ватан учун, унинг озодлиги учун қалбимдаги унга бўлган садоқат, муҳаббатдан бўлак арзиқлик бирон нарса — амалик бормикан...

Шухратжон ЙИГИТАЛИЕВ,
«Маърифат» мухбири,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элларда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси гранти совриндори

Tuhfa

СОВҒАГА — МАКТАБ

Гапнинг индаллосини айтсак, байрамга совға билан бериш ҳам қарз, ҳам фарздор.

Жумладан, болаларга мустақиллик ва билимлар байрами кунларида, айтилди, китоб ёки сумка билан бирга... янги мактаб ҳам бўлиши мумкин.

Бу, албатта, ҳуқуқимизнинг болажонларимизга муносиб тўхфасидир ва бу совғаларнинг айнан байрам кунларида топширилишида ҳам рамзий маъно бор: болалар — келажак гуллари, байрамларни беэзаб турсинлар!

Хоразм вилоятида бу борада аниқгина ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, давлат маблағлари ҳисобига Қўшқўпир туманидаги «Незахос» жамоа хўжалиги ҳудудида 475 ўринли, Хива тумани марказидаги Ҳамза номидаги илм маскани учун 400 ўринли янги мактаб бинолари қурилиб, ниҳоясига етказилди. Хуллас, болажонлар эртага ўқишни янги қувончлар оғушида бошлайдилар.

МУХБИРИМИЗ



Savob

130000 СЎМЛИК ДАРСЛИК

Бундан бир неча муддат аввал Бухоро шаҳар ҳокимлиги томонидан шаҳардаги кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан тўла таъминлаш мақсадида ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари мактабларга бириктириб чиқилган эди. Ўз вақтида кўрилган тадбир яхши самара берди. Мазкур корхоналар ҳисобидан 444 нафар болага 1 миллион 300 минг сўмлик дарсликлар олиб берилди. Бундай хайри ишдан «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари шаҳар бўлиmlари жамоалари ҳам четда қолишмади. «Маҳалла» жамғармаси бўлими томонидан 25 нафар ўқувчига ҳамда «Нуроний» жамғармаси бўлими томонидан 10 нафар ўқувчига дарсликлар жамланмаси тўхфа қилинди.

И. БЎРИБОЕВ

ЕРУ ОСМОН УРТАСИДА

1999 йил 16 июли Тошкент аэропорти. Эрталабки соат 7.00 «Тошкент — Нью-Йорк» рейси. Эълолдан сунг, ҳаво лайнери баландлик қаурулида. Стюардесса рейс ҳақида маълумот бергач, қуйидагиларни эълон қилди: «Хурматли пассажирлар! Рейсимизда 20 нафар ўзбекистонлик профессор-ўқитувчилар ҳам Нью-Йоркка учиб кетишмоқда».

Самолетнинг қулай ўриндиқлари банд. Ойнадан панора қараганда ажойиб манзара: ер худди лойиҳага ҳашиб қурилади, янги бир бутун мактаб.

Рейс борган сари юқорида деб борарди. Ана ушбу булдулар, кўз узатса етудек. Еру осмон уртасида ҳеч қандай таъинсиз манзилга шоплаётган самолёт, олди ва олдатиғи реyslардан бири. 20 нафар ўқитувчи учун эса,

ИККИ ҲАФТАЛИК МАЛАКА

«Устоз» жамғармасининг грант совриндорларига насиб этган икки ҳафталик малака кимга қандай таассурот берган экан?

Бориб келганларнинг таассуротлари бир олам. Аммо улар билан сўхбат қурсангиз, шорнинг «Нима бўлди Америка?» деган сатрлари ёдга тушади.

Масалан, Тошкент Давлат молия институтини «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудит» кафедраси мудир, иқтисод фанлари номзоди, профессор Зиевуддин Ғуломов гапни илб кетди: — Малака ошириш уч йуналишда таълик этилди. Менеж-

САҒАФАР

малакада биз урганган нарсалар анча...

Тошкент Давлат авиация институтини «Учиш аппаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш» кафедраси мудир, иқтисод фанлари номзоди, профессор Зиевуддин Ғуломов гапни илб кетди: — Малака ошириш уч йуналишда таълик этилди. Менеж-

САҒАФАР

мент. Маркетинг. Бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва сугурта. Таълим тизимининг замонавий технологиялар, унинг стандартлари ва баҳолаш мезонлари, юқорида кўрсатилган фанларнинг мазмуни ва ўқитилишига мослашган. Семинар машғулотларининг барчаси таълим тизими инновациялари янги педагогик технологиялари ўқитиш услублари, Видео — конференция Нью-Палтик университетиде янги ташкил этилган телевизион тармоқда акс эттирилди. Бу тармоқ масофадан ўқитиш янги «Интернет»нинг мукамал шакли бўлиб, телефон ҳар лақика хизматда. Хуллас, арзон, қулай коммуникатсия ердамда биз ҳам Голландия, Африка, АҚШнинг бошқа штатлари билан узаро мулоқотга киришдик.

Сўхбатдошларим «Инглиз тилидами?» деган саволимга шундай жавоб беришди. — Дарвоже, биз АҚШ сафарига бир йил тайёргарлик қурдик. Америкалик Френсис хонимдан инглиз тили сабоқларини ургандик.

Турмуш таркибидаги яна бир еш мутахассис, молия институтини «Солиқ ва сугурта» кафедраси аспиранти Баҳоидир Умаровни кутубхоналар хайратда қолдирибди.

— Кутубхона каталоглари ҳам компьютерлашган. Тадқиқотчилар дуненинг бошқа мамлакатларидаги нурхоналар билан турти-

O'zbekiston — Amerika

дан-туғри боғлана олади. Биздаги кутубхоналарга ҳам замонавий технологиялар урнатилишини орзу қиламиз. Тадқиқот олиб боришда бундай имкониятнинг аҳамияти катта.

Икки ҳафталик АҚШ сафари ҳақида ёзганларимдан қониқиш ҳосил қилганимча йўқ. Мен бориб қурганлардан эпитанларимни оққа туширдим, холос. Сўхбатдошларимга берган сўнги саволим шу бўлди: «Америкадаги бекум кушт ҳаётга мафтун бўлганлигининг аниқ! Айтгин-чи, уша мамлакатда қолиб кетгиниз келдими?»

— Йўқ! Биз ҳар лақика Ўзбекистон, ўз халқимиз ҳақида ўйладик, уни соғиндик. Юрагимизда Ватан туйғуси ҳар лақика гулуриб турди! Рад этиб бўлмас ҳақиқат. Инсоннинг ўзи билан юрадиган, турадиган, айрилмас ва абадий туйғудир бу!

МАЪЛУМОТ УЧУН

«Устоз» жамғармасининг июль ойида Америка сафарига бориб келган бир гуруҳ олий ўқув даргоҳлари профессор-ўқитувчиларига сарфланган харажати 22500 АҚШ долларини ташкил этди. Бундан ташқари, ҳар бир кишига авиабилетлар 200 минг сўмдан, жами 4 миллион сўм сарфланди.

Табиийки, хорижий давлатларга сафарга чиқишда маблағ масаласини ҳал этишга қўпчилиқнинг қўли калталик қилади. Бориб-қелиш, ейиш-ичиш, таълим тизимини урганиб қайтишниинг замирида чексиз Ҳақиқат етибди. Бу — мустақил давлат берган имкониятларнинг энг нуфузлиси.

Хулқар ТҶИМАНОВА,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

«Suv — hayot manbai» tanlovi

Илгарилари бола салгина каттарок гапирса «катталарнинг ишига аралашма», деган танбехни эшитарди. Энди эса ишларимизни мустақил фикрлашга, воқеа-ходисаларга берадир бўлмасдан, ўз муносабатларини билдиришга даъват этардимиз. Биргина шунинг ўзбек мустақил юртимизда яшашга эътибордан, улар тимосида мамлакатимиз келажаги кўрилатганлигидан далолат.

Эр юзидagi жамийки маълумотларнинг тиркилиги сув биландир. Сув — ҳаёт манбаи. Сув ҳақида ўзласам, беихтиёр машҳур кўриб эувачиси Ч.Айтматов:

ОРОЛ ЯШАШИ КЕРАК

нинг «Соҳил ёқалаб чопаётган Олапар» асари эсимга тушади. Оқик денгизга чиқиб қолган қичқик, қичқинаган, чуқук сув солинган бочка. Сувсизликдан ҳолсиз, лаблари қовқираган, кўзлари чала оқиб ҳолда бир кутум сув илжинида пичирлаётган бола. Болага наҳот кутуб, у билан бирга жуда кўп марта такорролайман: «Кўк сиқонча сув бергин, кўк сиқонча сув бергин!»

Сув! Оби ҳаёт! Дуога кўл очган кексаларимиз: «Сувдай се-реб бўлгин, — дейишди. Сув поклик раҳми. Агар воҳимиз ўрмишига, ҳатто унинг номининг келиб чиқишига назар солсак ҳам, бевосита сув билан. Амударё билан боғлиқ эканлигини кўра-миз. Ривоятларда айтадиларки, газабланган подшо гуноҳдор наварларини жазолаш учун дарё бўйига жўнатарди. Орандор бир катта вақт ўтиб, бу наварларнинг тирик эканлиги, улар дарё бўйида макон тутиб, яшаётганликлари маълум бўлди. Ана шу наварлар макон ту-гани кўп Хоразм экан. Чаман-чаман очилган гулларга, қўзғини-ни қувонтирдирган жаннатлардан Боготим болларига назар солсангиз жўшқин Амударё нафасини туйгандек бўласиз. Бундай дейишни беҳиз эмас, чунки Амударёнинг эски ўзани бизнинг Богот ерларидан ўтган экан. Жайхун дарё ўз йўлини

билан Сирдарёнинг сувини пахта ва бошқа экинларга сарфлаётган тўғайли. Орол денгизининг суви кескин камайиб кетди. Натижада, денгиз кўриш бошлди. Хозирги вақтда унинг ярмидан кўп қисми қурди, сув таркибда зарарли кимёвий моддалар кўпайиб кетди. Бу эса Оролбўйи табиатининг инкирозга юз тутишига сабаб бўлди. Орол денгизининг қуриши бизнинг воҳимиз табиатига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Қўчада авлолларнинг тагига қулқ тутмаган: «Бой эшитдиларингиз, Хивани таъмирлашга келган хорижлик қуришчилар бизнинг сувимизни хоҳлашмаганмиш. Ичиш тугул, қуришга ҳам ишлатишга ярамайди, — дейишганмиш». Бу «миш-миш»ларнинг нечоғли тўғри эканлигини билмайману, қалбимда оғриқ пайдо бўлди. Яқинда эса доно Юртбошимизнинг маърузаларини тинглаб қалбимизда секин пайдо бўлди. Чунки Юртбошимиз Орол денгизини чекинишдан тўхтаганини маълум қилган эдилар. Мутахассисларнинг фикрича, сувдан оқилона фойдалансакгина, Оролни асл ҳолига кайтаришимиз мумкин эмиш. Наҳотки! Халқимизда азал-азалдан: «Сувни ифлос қилма, сувга тўпурма», деган гаплар юрда. Бу гапларга қўйида амал қилмаймиз: кўча сўпурганда ха-зонларни ариска оқизамиз.

Оқитувчиларнинг Avgust kengashlari

ТАРИХ, ЎЗЛИК, МУСТАҚИЛЛИК

Яқинда Темурийлар тарихи Давлат музейида Тошкент шаҳар тарих фани ўқитувчиларининг «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида давлатимиз Таълим тизимини ислоҳ қилишда ҳар бир тарих фани ўқитувчисининг ўрни» мавзусида анъанавий Август кенгашлари бўлиб ўтди.

Сўнгра тарих ва уни ўқитиш, бу фанининг ўқувчи дувёқарши шаклланишидаги ўрни каби бир талай мавзулар бўйича маърузалар тингланди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маққамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Фозил қори Собировнинг «Диний экстремизм ва фундаментализмнинг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири» мавзусидаги маърузаси, айниқса, қизиқтириш тингланди. — Халқимиз Ислом динига анча асрлардан бўён эътиқод қилиб келади, — деди домла. — Аслида Ислом — эзгулик, поклик дегани. Таассуфки, XIX, XX асрларда турли хил диний оқимлар кўпайиб кетди. Қозирги кунда булар сони 136 га етган. Улар Ислом динини иқбоб қилиб олганлар. «Ҳебнут-тахрир», «Ҳизбуллоҳ», ваҳобийлик, икромийлар каби оқим, ташкилотлар кимга керак. Ҳеч кимга! Уларнинг мақсади — ҳокимият. Шу боис мактаб ўқувчилари тарихни, ҳар нарсанинг, масалан, бирор фирқа ёки оқимнинг келиб чиқиши, ташкил этилиш сабабларини билишлари керак. Утил-қизларимиз «Ҳизбут-тахрир», ваҳобийлик оқимларининг қаердан пайдо бўлганини билишадими? Йўқ! Билганлариди ўзгаларга эргашиб кетмаган бўлардилар. Уларнинг мақсади — болаки отага қайраб низо чиқариш.

Вақолаки, дунёвий ва диний илм ўрганишда бошқалар биздан — Марказий Осиё алломаларидан ўрнэк олганлар. Замахшарий, Имом ал-Бухорий, Абулайс Самарқандий каби қўлаб алломаларимиз илмини бутун Ислом олами ҳозир ҳам тан олади. Ўқувчилар тарихини билсинлар! Фикримча, тарихни билмаганлар Ватанини севайдилар.

Ақиданараст эса бир одамнинг сўзини ушлаб олади. Бошқалари шу одамнинг ордасидан эргашиб даъват қилади. Одамларнинг ношукрчиликка ундайди. Бу иллат — ўзбек халқига ёт нарса. Қуллас, тарихни ақши билсакгина ўзликни англаб ет-мас, мустақиллик қадрини қалба ҳис этамас.

Дарҳақиқат, айни кунда айрим ёшлар Мустақиллик, она-юрт қадрини ҳануз англаб етмаганлар. Эндиликда бу вазифа тарих фани ўқитувчиларининг дилқат-эътиборида турмоғи лозим. Ёшларга тарих фанини ўргатиш, ўқитиш борасида эса шаҳарда қатор тажрибалир тўланган. Шу боис ҳам анжуманда Юнусобод туманидаги 9-тарихга ихтисослашган мақсуд мактаб ўқитувчиси М. Тўраева «Му-стақил фикрловчи ёшлар тарбиясида тарих фанини ўқитиш» Биёсарова Ҳасанова «Бармакол авлод-ни воёта етказишда ноанъанавий дарсларнинг аҳамияти» ҳақида гапирди, ўз тажрибаларини ҳам баён қилдилар.

Анжуман сўнгида ўқитувчилар қатор саволлар-ни ўртага ташладилар. Уларга мутахассислар ат-рофила жавоб қайтарилди. Хуллас, иштирокчи-лар ажойиб комолада уюштирилган тадбирдан бир олам таассурот билан қайтишди.

К.МАТҚУРБОНОВ

Истиқлол ҳавосига, озодинка, эркинликка тўйиш мумкинми ўзи?

(И. Каримов). Бизнингча, асло. Зеро, истиқлол, му-стақиллик туғайли мил-лий анъаналаримиз тик-ланди. Яссавий ҳикмат-ларидан, Чўлпон, Фитрат, Қодирий асарларидан тўйик баҳраманд бўлди. Гадаги вазифа, му-стақиллик инъом этган бо-боларимиз меросини кўз қорачиқдек асраб, ўр-ганишдир. Бунда адабиёт ўқитувчиларининг ҳис-саси катта бўлмоғи ло-зим. Ўқувчиларимизга му-стақилликни асраш керак, деган насиҳатлар ўрнига шундай мазму-ли шеърлар топиб ўқитайликки, улар ҳам шеър сеҳрини ҳис эт-синлар, ҳам истиқлол осонлик билан қўлга кир-итилмаганини англа-синлар: Қодирийнинг маҳзун кўзлари айтсин, Носирийнинг папи

Fikr

сизми қолди? Йўқ, йўқ! Сен кучсиз эмасан, сен кимса-сиз эмасан! Бутун Ер юзи-да саксон миллион боланг бор. Буларнинг томирлари-даги қон... Темурларнинг қонидур... Паноҳим, сажа-даҳим, умидим! Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман. Биз «Алпомиш» достони-ни, Тоғай Муроднинг қис-сааларини ҳам севиб ўқидик. Барчининг Алпомишга қўйган 4 шарти — минг қадамдан танга пулни ўриш, ёй тортганда ёйи синмай қолиш, тўқсон алшин йиқ-тиш, пойгада оти қолиб чи-қиши — фақат ўзбекиона шартлар. Буларда халқимиз-гагина хос бўлган уадулар, миллийлик ярқ этиб кўри-ниди. Ўйлаб кўрайлик-чи, ҳозирги замонавий қизла-римиз йигитларга қандай шартлар қўярканлар? Нега от йигит кишининг қаноти эканлигини тушунармикан-лар? Кўпқари, пойга, мер-ганлик, кураш каби миллий

ТАЖРИБА-СИНОВДАН СЎНГГИ ХУЛОСА

сўзлари айтсин, Аждодларнинг улуғ қарзлари айтсин, Она Туркистонча йилваган йўқдир, Озодинк деб онча йилваган — йўқдир! (Ойдин Ҳожиева «Па-ноҳим», 120-бет)

Ўзбек адабиётидан ту-зилган янги дастур бу йил бизнинг 274-мактаб-да синовдан ўтказиди. Эксперимент муваффа-қиятга ўтди. Танланган адабиётлар ўқувчиларга манзур бўлди.

11-синфда Фитрат ижодини ўрганишга мах-сус соатлар ажратилга-ни қувончандир. Ахир, унинг «Юрт қаюғиси» учун қилган хитобларини ёшларни Ватанини севиш-га, унга муносиб фар-занд бўлишга чорлайди-ку! Зеро, адабиётнинг вазифаси ҳам шундан иборат:

«Эй улуғ Турон, ар-слонлар ўлкаси Сенга не бўлди! Инсонийлик ола-мини қанотлари остига олган ҳоқонларнинг не-чун қўчи ўлди! Кимса-

ТАЖРИБА-СИНОВДАН СЎНГГИ ХУЛОСА

спорт турлари йигитлари-нинг тарк этаётганига ачи-нармиканлар? Яқинда ойнан жаҳонда кўзга кўринган гуруҳ аъзо-ларидан «Ҳаётингиздаги кулгили воқеалардан ай-тиб беринг» деб сўрашганда, ўзбек йигитлари киш тай-ёрлаш учун бир кун от ми-нишни машқ қилганларини, миномай йиқилганларини, кунлари эшпака қолганини айтдилар. Менимча, бу дах-шатли воқеа эмасми? Ўзбек йигитлари, Алпомиш авлод-лари от минини билмасми? Шу маънода Тоғай Мурод-нинг «От кишнаган оқшом-да» асаридан парча ўқитиш ниҳоятда зарурдир. Ва асо-сийки, домла Саид Аҳмад таъкидлаганларидек, «Тоғай Мурод қиссалари соф мил-лий ўзбек қиссалари. Унда тасвирланган одамларга бо-шқа халқ либосини кийди-рсангиз ҳам ўзбекилиги били-ниб туради. Уларнинг ҳулқ-атвори ҳам бошқа халққа асло ўхшамайди. Шу пайт-гача қиёфаси аниқ, бир-би-ридан фарқ қилмайдиган, шапка кийдирса рус, қоракўл папақ кийдирса

ҳам бежиз ёзмаган: Юганлари кумуш тулпоринг қани? Эгар бошиндаги нигоринг қани? Омади ўнг келган бозоринг қани? Қирқ охур оғзида ажриқ кўкарди. Кўксиди қирқ фиғон — санчиқ кўкарди. Тоғларга кетгани ёлгонлар экан! Асраган кўзларга тушдилар тикан. Турқими, чавқарми, жийронми, саман, Айланб козинг топиб келмади, Сағрисиға бахмал ёйиб келмади. Демак, ўқувчилар он-гига умуминсоний қади-ятларни синдиришда ба-дий адабиётнинг роли катта экан, биз ана шун-дай халқона руҳдаги сара асарларини ўқувчилари-мизга танаб берайлик, улар хақиқий ўзбекиона асарларни ўқиб фикрла-синлар! Маҳмуда ВАЛИЕВА, Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси

ОЛИС Тўшалартача Байрам

Ўзбекистон-Она Вата-нимизнинг олис-олис тўшаларида ҳам буюк байрам — Мустақиллик шодибенаси ҳўкм суриб, қалблар гурур ва ифти-хорга тўлмоқда. Қорақал-поғистон Республикаси Қўнирот тумани «Рав-шан» деҳқон-ширкатлар бирлашмаси худудидаги «Қалдирғоч» болалар боғчасига қириб борга-нимизда бунинг гувоҳи бўлди. «Қалдирғоч»нинг қалдирғочлари, яъни бо-лажонлари қўшиқ кўйла-шарди:

Ўзбекистон - онамиз, Биз очилган лоламиз. Мустақиллик байрамин Шодон кутиб оламиз. Маълум бўлдики, бор-чанинг мусика тўтароғи раҳбари Гулжон Тожие-ва жужуқларга ашула ўргатаётган экан. Икки қаватли 140 ўринга мўлжалланган ушбу таъ-лим масканини чор-ат-рофи баҳайбат дарахтлар, серсоя қоратоллар билан қуршалган. Спорт май-дончалари ва улардаги жиҳозларнинг шинамли-ги кўзни қувонтиради. Боғчада ранг-баранг гул-лар бисёр. Демак, гулни севаган инсонлар қўлида тарбия топаётган кич-кинтойлар ҳам келгуси-да муносиб авлод бўлиб, камолот сўҳмоқларидан бориши шубҳасиз, албат-та.

Кўнирот тумани халқ таълими бўлимига қарашли мазкур боғчага «Равшан» деҳқон-шир-катлар бирлашмаси (бошлиғи Жўдосбой Да-вудов)нинг ёрдами катта бўлаётир. Боғча мудир-а-си Злиха Жўмашеванинг айтишига қараганда, «Равшан» ҳўжаиғи раҳ-бариятининг болапарвар-лиги тобора ошиб, боғча шарафтини янада яхши-лашга салмоқли ҳисса

қўшмоқда. Жумладан, улар боғчани бепул таъ-мирдан чиқариб берган. Гуруч, гўшт маҳсулотла-ри билан таъминлаб ту-рибди. Яқинда оталиқ ташкилотли боғчага кир ювиш машинаси совға қилибди. — Яхши шароит бўлгандагина иш ҳам ду-руст бўлади, — деди ўттиз йиллик иш тажрибасига эга бўлган боғча мудир-а-си З. Жўмашева. — Ҳомий ташкилот ҳам, ту-ман халқ таълими бўли-ми ҳам ўз ёрдамларини бизлардан аямаяпти. Боғ-чамизда 90 бола тарбия-ланаётир. «Соғлом авлод учун» дастурини амалга ошира бориб, болалар-нинг овқатланишига ҳам, таълим-тарбияга оид та-дбирларнинг самарадорли-гига ҳам баравар аҳами-ят бермоқдамиз. Картош-ка, макарон, сариге, сут, қатиқ, тухум, мева-чева, полз маҳсулотлари биз-да етарлидир. — Бўтакўз Омонтўсо-ва, Ойман Елқороева, Қа-ловбика Саркулова, Да-меш Темирбоева, Гулхи-рон Сариева каби бола-жон тарбиячилар ноанъ-анавий машғулотлари билан бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Ҳўжалик ишлари му-дир Турдумурот Утепов, ҳамшира Махабат Жаме-кова, ошпазлар Нозим Дўйсенова, Марям Тўлегеновларнинг боғча фаолиятини намунали йўлга қўйишда, албатта, ўзларига яраша улушлари бор. Шунинг учун ҳам мазкур боғча «Соғлом авлод — 98» қўриқ-тан-ловида туманда фахрли биринчи ўринни, Қора-қалпоғистон Республика-сида эса иккинчи ўрин-ни эгаллаганди.

Ғойиб ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз



Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги болалар техник ижодиёт марказида бутун қадим Шарқ буюк алломаларининг чинакам авлодларини унрашишнинг мум-кин. Уларнинг баъзилари ўз қўллари билан мафтункор мўъжизалар яратиш ишқи билан яшаса, бошқалари само сирларга ошно бўлишни орзу қиладилар.

Уларга уста Зўриқдин Исҳоқов ва Абдунаби Ҳожибоевлар доимий ҳаммасла-қчилар.

Суратларда: «S-3» ракета модели устида изланиш. Ёғоч уймақорлигининг шарқона намуналарини ўзлаштириш акс этган.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

«NURSHAN» КЛИНИКАСИ СИЗ ВА СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ УЧУН! СИЗГА ҚУЙДАГИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ХИЗМАТИ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ:

1. Терапевт 2. Жарроҳ 3. Гинеколог 4. Уролог — андролог (Доктор «Д») 5. Тери касалликлари шифокори 6. Кўз касалликлари шифокори 7. Қулоқ, томоқ ва бурун шифокори 8. Асаб касалликлари шифокори 9. Эндоскопия 10. УЗД 11. Лаборатория 12. Физиотерапия 13. Аптека

ЭЪЛОН

Республика «Оила» илмий-амалий Маркази 2000 йил учун 13.00.01-Педагогика назарияси ва тарихи 13.00.05 — Ижтимоий психология ва этнопсихология ихтисосликлари бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда аспирантурага қабул эълон қилади.

Ҳужжатлар 1999 йил 1 октябрдан қуйи-даги манзилда қабул қилинади:

700027. Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-ий, Республика «Оила» илмий-амалий Маркази. Мурожаат учун телефонлар: 45-15-59, 45-18-66, 45-90-66.

БОҒЧАГА КОМПЬЮТЕР

Тахтақўпир тумани халқ таълими бўлимининг та-шаббуси билан 4-болалар боғчасига бир комплект компьютер совға қилинди. — Эндиликда, — деди боғча мудириси Сулувсоч Жўзбоева, — 6 яшар жаж-жи ўғил-қизларимиз комп-ьютер сабоқларини ўр-ганишиб, замонавий техни-ка «тили»ни ёшлиқданок ўзлаштириш имкониятига эга бўлдилар. Боғчада ту-мандаги намунали мактаб-гача таълим масканига ай-ланиши учун барча савй-ҳаракат ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирги пайтда боғча биноси сифатли таъ-мирдан чиқарилди.

Ғ. ЁҚУБОВ

БИЗДА ДУНЁ АНДОЗАЛАРИГА МОС ХИЗМАТ КўРСАТИЛАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юнусобод, 19-қв. Деҳқонобод кўчаси, (Шеглова)

Автосий поликлиника «NURSHAN»

Автобуслар: 67, 96, 129.

«Деҳқонобод» бекети, АЁҚШ (бензозаправка «UZMAL OIL»)

Телефонлар: 22-97-25, 22-45-39

Саломат бўлинг!

ТИНЧЛИК НАШИДАСИ

Сарсари кезади саррин шаббода, Меҳнат оғушида яйрар дала-туз. Дарахтлар заминнинг бўйида шода, Тинчлик субратини қилади кўз-кўз.



Ботир БАХОДИР, ўқитувчи

Hurriyat ithomtlari

ВАТАН

Тоза тонгингда турарман тонг юзингда боқгани, Гул диёрим, гулшанимдан турфа гуллар тақгани, Кон эрурман қалбинг ичра нур мисоли оққани,



Турсунбой ИСРОИЛ ўғли, Андижон туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси

АССАЛОМ, МАКТАБ!

Билимлар маскани ассалом мактаб! Яна кучоғингга яйрашиб қайтдик. Беминнат саховат, яхши дам учун

Эзгу ният билан эшигинг очиб, Кутлағ остонангга қўямиз қадам. Эркин, шод гуллардан севинчлар тошиб,

Нуроний чинордек салобатинг бор, Томирингда жўшиб қайнағай ҳаёт. Борлиқни забт этар заковатинг бор,

Бизга интиқ сирли ою юлдузлар, Юзлари пардаи сонусиз тиласмалар. Бахтлар вудийсидан мўралаб бизга,

Мақтабим эшигинг кенгроқ очавер, Ёзинг кучоридан ташналаб келдик. Сўзлагинг, ўзлагинг, сеҳринг бизга бер,

Шамсиддин ФАРМОНОВ, Ш. Рашидов туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси

Xullas...

АРТИСТЛИККА ДАВЪОГАРЛАР КЎПРОК

Касбнинг яхши ёмони, катта-кичиги йўқ. Лекин ҳозирги вақтда артистлик энг оммавий касблардан бирига айланиб бормоқда. Улар орасида биз биланларимиз қанчаю, биланларимиз қанчаю?

ДЕЛЬФИН РАҚСИ

Сув жонотлари ичда дельфинларнинг ақли эканлиги куп маротаба кузатилади. Сочиди «Салот» санаторийида дам олувчилар яқинда шу фикрнинг исботловчи воқеага гувоҳ бўлишди.


МЕН СЕНИ СЕВАМАН

Қатра

Отамни севардим жонимдан ортиқ. Онамни севимдан ундан кам эмас. Жисимимга жон бағишлаган, шууримга онг, эзгулик

ўзинг. Камолнинг - бахтим. Озод ва обод Ватанинг баркамол авлодисан. Юртга, миллатга, аждодларимизга муносиб бўл.

Моҳира ШАКАРОВА



«VATAN MADHI» o'ylanmasi

Aylanalardan bosh harfni topib, ketma-ket o'qisangiz Abdulla Oripovning ona vatanimizni madh etuvchi ikki misra she'rini bilib olasiz.

ЖАНДАЛАР

Арифметика дарсига ўқитувчи сўради: —Франк, агар сен 3 доллар ўнг чўнтагингдан ва 2 доллар чап чўнтагингдан топиб олганингга нима қилган бўлар эдинг?

—Ник топган. * Ўқитувчи:—Жимми, нимага сен юзингни ювмайсан? Эрталаб нима еганинг шундоққина кўришиб турибди.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ БОЛАЛАРГА АТАЛДИ

Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда унинг қувончу шодликлари, саховат ушмоқиятлари кириб бормаган бирор бир кўнгли топишмас керак.

Ишдан қайтаётган Дилсўзинг кўзи кунга кеча илмий мудирлар томонидан мақталган Нафисахонга тушди: —Нафиса опа, сиз ҳам биз томонларда турар экансиз-да, мен ҳам мана шу рўпарадаги уйда тураман, сизин учратганимни яхши бўлди.

Нафиса унга қараб: —Сиз мени жуда мактаб юбордингиз, менинг ютуқларимнинг сабабчилари менинг ўқувчиларим. Мен уларга мажлиста келадиган ота-оналарнинг давомати учун ҳам алоҳида баллар қўйиб бораман, мабодо синф мажлиси соат олтида бўладиган бўлса, мен уларни соат бешдан бошлаб, таклифнома орқали беш дақиқа оралашиб, таклиф қиламан.

Шим ҳам мумкин эди, лекин бу одам менинг мажлисимга бошқа келмайди. Шу сабабли мен бу йўлни танладим. Сўхбат охирида мен шу болани яхши кўришим ҳақида гапириб, юмшоқлик билан боланинг энг заиф ёки салбий томонларини жуда эҳтиётлик билан айтман ва мана шу нарсаларга бироз эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, дейман.

қоладиганлар ҳам, албатта бўлади. Шунинг учун ҳам ташаббусни ўз қўлимга олиб, вақтинг озагини уларга эслатиб уэр сўрайман ва сўхбатни усталик билан бошқаришга ҳаракат қилиб бораман. Ота-оналар фаоллари билан алоҳида иш олиб борамиз. Мажлисдан кейин қанча бахс-мунозараларга сабаб бўладиган нозик масалалар бўлса, фаолларни алоҳида олиб қолиб, қолган ишларни шулар иштирокида ҳал қилишга ҳаракат қиламан. Натияжада вақт ҳам, мажлиста келганларнинг асаби ҳам тежаллади. Бундан хулоса шуки, улар мажлисда, хусусан ўзининг боластга тегишли бўлган ахборотдан

1999 yil — Ayollar yili

риб келган Дилсўзинг ҳафсааси пир бўлиб қайтди. Биринчи ташкилот ҳозир бизнинг шароитимиз оғир, ўзимиз картотекада ўтирибмиз, деса ана бири биз шу пайтдага енимиздаги борчага ердан бераялмиз, мабодо имконият бўлиб қолса, бир ўйнашиб кўрамиз, дейишди.

Шухратдан жабр кўрган бўлса ҳам, ҳеч бир ўлим кўрмаган Дилсўз учун иши юрмишай турган бир пайтда, бу сўзлар жуда қаттиқ таъсир қилди, қолверса, Амриддин ака ва Умидо аяларга ачинарди.

ДИЛСЎЗ (Ҳикоя)

билан сўхбатлашиб бўлганимизча, қолганлар бизнинг синфхонамизда ўтириб қолган синфнинг тинглаб, кейин ичиб, дам олиб ўтиришди. Ропла-роса олтида биз мажлисда синфимиз ўқувчилари ижросида, ёшларнинг биз катталар билан мулоқотга қанчалик муҳтожликларини ҳақида кўришишар қўйиб берамиз, бу кўриниш ун дақиқадан ошмаслиги керак. Сўнг болаларга рўхсат бериб, ота-оналарнинг фикрлари билан ўртоқлашамиз. Менинг билан жуда қисқа бўлади, ҳар бир жойда бўлгани каби мажлисга ишдан чарчаб келганлар ҳам, гапи қўпайиб

«ГОҲ САЙР ҲАМ ДАРКОР ЭКАН»

Бошқа мамлакатларни кўришни ким ҳам орзу қилмайди? Уларга юрти, халқи, урф-одатлари хамиша қизиқ.

ana shunaqa gaplar...

Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-хуналар таълим маркази 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг қошма аъзо директори

Ma'rifa! ТАБСИ ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Хулқар ТҮЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ҳатир ҚОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш тахририят рўхсати билан амалга оширилуши шарт. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58. Газетани ИВМ компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОВ, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўттиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0727. Тиражи 24020. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. Босишга топшириш вақти -20.00. Топшириш - 20.30.